

ИМОМ МУСЛИМНИНГ “САҲИҲИ МУСЛИМ” АСАРИДАГИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОИД ҲАДИСЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ХАДИСОВ О СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЕ В КНИГЕ «САХИ-МУСЛИМ» ИМАМА МУСЛИМ

ANALYSIS OF HADITHS ABOUT SOCIAL PROTECTION IN IMAM MUSLIM'S “SAHIHI MUSLIM”

Mahfuzaxon JALOLDINOVA
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
Doctoral student of the
The Department of Islamic
Studies and Chair for the Study of
Islamic Civilization ICESCO
m.jaloldinova@iiu.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2022/2/5

Аннотация: Дунёдаги ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланиши йўлида ўз олдига қўйган пировард мақсадлари бўлади. Уларни амалга оширишда бир қанча унсурлар асосий рол ўйнайди. Жумладан, кучли давлат ва мустаҳкам жамиятни барпо этиш қонун устуворлиги, адолат, тенглик каби тамойиллар қаторида ижтимоий ҳимоя ҳам давлатнинг мустаҳкамлигини таъминловчи омиллардан ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя масалалари доимо ҳар бир давлатнинг ўз олдига қўйган устувор вазифаларидан бири ҳисобланган. Жумладан, ривожланишнинг янги босқичига кўтарилган янги Ўзбекистон тараққиёт йўлида ўз олдига қўйган стратегиялари ичида аҳолини ижтимоий ҳимоясини янада такомиллаштириш алоҳида ўрин эгаллаган.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя мавзуси ҳар бир жамиятда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинча нафақат тарихий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан, балки диний қадриятлар ўлароқ ислом ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш муҳим саналади.

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад – ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳимояга оид қарашларни ўрганиш ҳамда унинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган ҳадисларни тадқиқ этишдан иборат. Бу жиҳатдан Имом Муслимнинг “Саҳиҳи Муслим” асари инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларга доир ҳадисларни ўз ичига олгани билан муҳим аҳамият касб этади. Имом Муслим Аллома ҳадис илмида ишончли деб эътироф этилган 6 та имомнинг бири ҳисобланади, унинг «Саҳиҳ Муслим» асари

эса ислом таълимотининг муҳим манбаларидан бири саналади. Асардаги ижтимоий ҳимоя масалаларига оид ҳадисларни таснифлаш, мақолада уларни мавзуларига кўра таснифлаш ҳамда таҳлил қилиш мақсад қилинган. Ҳадис тўпламлари ичида мўътабар ҳисобланган “Саҳиҳи Муслим” асарида келтирилган ижтимоий ҳимоя ҳақидаги ҳадислар аниқланиб, уларнинг миқдори ва мавзулари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики, ижтимоий ҳимоя мавзусига доир ҳадислар асарнинг асосан 2 жуми 12 бўлими “Закоат” китобида келтирилган. Ушбу қисм 56 боб, 2135 дан 2366 гача бўлган жами 231 та ҳадисларни ўз ичига олади. Улар қуйидаги молиявий мавзуларни ўз ичига олади: закоат, ушр, фитр, садақа, нафақа каби мавзуларни аҳамияти, унга тарғиб қилиш, фойдалари, улар бажарилмаслигининг оқибатлари ҳамда зарарлари ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: Имом Муслим, “Саҳиҳи Муслим”, ҳадислар, ислом ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя, закоат, садақа, инфоқ, маниҳа.

Аннотация: У каждого государства имеются собственные цели устойчивого развития. В этом случае ряд принципов играют ключевую роль в их реализации. Так например, принцип верховенства закона, справедливость, равенство, восстановление сильного государства и сильного общества, социальная защита является одним из факторов, обеспечивающих прочность государства.

Вопросы социальной защиты всегда считались одной из приоритетных задач, которые ставило перед собой каждое государство. В частности, в стратегии развития нового Узбекистана, вышедшего на новый уровень развития, особое место занимает дальнейшее совершенствование социальной защиты населения.

Известно, что тема социальной защиты является одной из самых важных вопросов в каждом обществе. Важно изучить его не только с историко-политической, экономико-правовой точки зрения, но и с точки зрения религиозных ценностей и исламского права.

Основной целью исследования является изучение взглядов на социальную защиту в исламском праве и изучение хадисов, являющихся одним из его основных источников. В этом отношении “Сахих Муслим” имама Муслима имеет важное значение, поскольку содержит хадисы о социальных отношениях между людьми.

Имам Муслим Аллах считается одним из 6 имамов, признанных достоверными в хадисоведении, а его труд «Сахих Муслим» считается одним из важнейших источников исламского учения. Классификация хадисов на тему социальной защиты в работе направлена на систематизацию и анализ их в соответствии с темами. Среди сборников хадисов были определены хадисы посвященные социальной защите, что были представлены в работе “Сахих Муслим”, в частности были сгруппированы по темам и изучены.

В результате исследования было установлено, что хадисы на тему социальной защиты в основном приведены во 2 части 12 раздела книги «Закят». А также

этот раздел содержит 56 глав, где всего 231 хадис с 2135 по 2366. Они включают в себя следующие финансовые темы как: закят, десятина, фитр, милостыня, пособие а также, преимущество, последствия, в том числе последствия и вред их невыполнения.

Ключевые слова: имам Муслим, Сахих Муслим, хадисы, исламское право, социальная защита, закят, садака, инфак, маниха.

Abstract: Every country in the world has its own set of supreme goals for sustainable development. Several elements play an essential role in making them happen. In particular, building a powerful state and a strong society, along with the principles of the rule of law, justice, and equality, social aegis is one of the factors which guarantees state stability.

Social aegis always has been one of the priorities of every state. In particular, the further improvement of the social sponsorship of the population has a special place among the strategies of the new Uzbekistan, which has reached a new stage of development.

The topic of social aegis is one of the most crucial issues in each society. It is essential to study it not only from the political, historical, economic, and legal but also from the religious values of Islamic law.

The leading purpose of the research is to study the issues of social aegis in Islamic law and investigate the hadiths, which are considered one of the principal sources of it. In this regard, "Sahih Muslim" by Imam Muslim has importance with hadiths containing social relations among people. Imam Muslim, the scholar, is one of the most reliable imams in the science of hadith, and his book "Sahih Muslim" is one of the most reliable sources in Islam. The article aims to classify the hadiths on social aegis issues and to classify and analyze them according to their themes. Among the collections of hadiths, the hadiths on social aegis mentioned in the authoritative work Sahih Muslim have been identified, and their quantity and topics have been studied and analyzed.

As a result of the research, it depicts that the Book of «Zakat», Chapter 2, Part 12 mentions hadiths on the social aegis subject in this collection of Sahih Muslims. This section contains 56 chapters, a total of 231 hadiths from 2135 to 2366. They include the following financial topics: zakat, tithe, fitr, sadaqah, alimony, etc., and discussions of the importance of these topics, their promotion, benefits, and the consequences and harms of their non-compliance.

Keywords: Imam Muslim, Sahih Muslim, hadiths, Islamic law, social protection, zakat, sadaqah, infaq, maniha.

КИРИШ

Инсониятни жамоа бўлиб яшаши, ижтимоийлашуви ҳаётини эҳтиёж ҳисобланиб, давлатнинг асосий бўғини ҳисобланган жамиятнинг фаровон ва барқарор ривожини унинг аъзоларининг ўзаро ҳамжихатлик, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкам муносабатлари орқали юзага чиқади.

Жамият қатламлари орасида ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан кўпроқ эътибор бериш зарур ҳисобланган қисми алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак бериш илмий тилда "ижтимоий ҳимоя" деб аталади. Ижтимоий ҳимоя тушунчаси миллий ва диний қадриятларимиз, хусусан ислом ҳуқуқида ҳам ўзига хос ўринга эга. Шуни айтиб ўтиш жоизки, Ислом динида ижтимоий ҳимоя фақат моддийлик билан чекланиб қолмасдан, балки руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳам кўзда тутати.

Маълумки, илк ислом давридан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Ижтимоий ҳимоянинг тамойиллари: силаи раҳм, садақа, закот, нафақа, ўзаро меҳр-шафқат кўрсатиш каби жиҳатларни янада чуқурроқ ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, ислом ҳуқуқига кўра бойлик ва камбағаллик хавфли, фожеали ҳолат эмас, балки бойликни нотўғри сарфланиши, камбағалларни ҳақлари берилмаслиги сабаб зарар бўлиши мумкин. Шу боис, буларнинг барчасини исломнинг бирламчи манбалари ҳисобланган оятлар ва ҳадисларда таъкидланганидек, бутун умр давомида хавф ва хатарга дуч келиши мумкин бўлган, ҳимоя қилиниши керак бўлган зарурияти ҳамса, яъни бешта умуминсоний манфаатларни бутун умр давомида зарар етишидан паноҳ тилашлари керак (Erol A., 2018:29).

Бу манфаатлар юқори даражада ҳисобланиб, жамиятнинг ҳузур-ҳаловати, тинчлиги учун тартиби учун муҳим асосий ҳуқуқ ва қадриятларни билдиради. Ислом олимлари фикрига кўра шахс ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояси ва тинчлигининг таъминоти ана шу манфаатлар (жони, моли, ақли, насли, дини) муҳофазасига боғлиқ бўлиб, у манбалардада "зарурияти хомс", "мақосиди хомс", "қуллияти хомс" каби атамалар билан номланади (Şatibi., 1997:32; İbn Aşur M., 2013:225; Yaman A., 2017:161–196; Yıldırım A., 2017: 149–172, 165–169).

УСЛУБЛАР

Ижтимоий ҳимоя жамиятнинг иқтисодий ночор, ёрдамга муҳтож ва боқувчисини йўқотган қатламлари эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий адолатни ўрнатиш мақсадида ҳукумат даражасида амалга оширилаётган иш ҳисобланади. Тарихдан маълумки, илк ислом давридан бу масалага катта эътибор қаратиб келинганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ислом ҳуқуқида жамиятда ижтимоий тенгликни таъминлаш учта институт орқали амалга оширилади. Биринчиси - оилада, иккинчиси - закот

институти орқали; учинчиси – давлат томонидан (Yusupova N., 2020:71).

Халқимиз минг йилликлар давомида ижтимоий соҳа борасида ислом дини таълимотлари асосида диний ва миллий кадриятларга таянган ҳолда катта тажриба тўплаган. Ушбу буюк меросни изчил ўрганиб бориб, барча халқларда умуминсоний кадриятлар мавжудлигини, шу жумладан ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш номини олган жабҳасида ҳам мавжуд бўлган муайян маълумотларни жамлаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Исломи оламида машҳур бўлган олимларни беқиёс асарларини ўрганиш хусусан, етук муҳаддис, ҳадис илмининг билимдони Имом Абу Хусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Кушайрий ан-Нисобурий ҳазратларининг “Саҳиҳи Муслим” асари муҳим аҳамиятга эга. Бу асарда нафақат ибодатга оид ҳадислар, балки муомалотга оид, мусулмонларни ўзаро ижтимоий муносабатлари ҳақидаги ҳадисларни ҳам ўз ичига олган.

Манбаларни ўрганиш жараёнида аниқланишича, ислом ҳукукида ижтимоий ҳимоя деганда, аввало аҳоли орасида моддий жиҳатдан қийналган, ўзининг эҳтиёжини қоплай олмаётган фуқароларга моддий ва маънавий кўмак бериш тушунилади. Шу жиҳатдан, Қуръони карим ва ҳадиси шарифда ижтимоий ҳимояга қадар катта эътибор қаратилганини кўриш мумкин (Yusupova N., 2020:74).

Имом Муслимнинг энг машҳур ва мўътабар асари «Саҳиҳи Муслим» ҳисобланади. Узоқ йиллар давомидаги машаққатли меҳнати ва бутун ақл-заковати самараси бўлган ушбу асар Пайғамбаримиз с.а.в. ҳадисларига бағишланган энг эътиборли ва муҳим манбалардан биридир. Саҳиҳ деб эътироф қилинган олти та саҳиҳ китобининг иккинчисидир. Илм аҳллари орасида бу асар «Жомеъ» ёки «Муснад» номлари билан ҳам юритилади (Muslim I., 2007:20).

“Саҳиҳи Муслим” ҳақида гап кетганда, аввало унинг муқаддимаси хусусида алоҳида сўз юритиш лозим. Бу муқаддима “Саҳиҳ”га сўз боши шаклида ёзилган бўлса-да, унга алоҳида асар сифатида қаралиб, тадқиқ ва шарҳ қилиб келинган. Бу ушбу муқаддиманинг савияси қанчалар юксаклигидан, илмий маълумотларга бой эканлигидан дарак беради. Муқаддима ўзига хос илмий услубга эга бўлиб, бу борада қолган асарларга наъмуна бўлади. “Саҳиҳи Муслим” кириш қисми бошқа асарлардан, жумладан “Саҳиҳи Бухорий”дан ажралиб туради. Аллома ушбу қисмда асарнинг ёзилишига сабаб бўлган омилларни айтиб, ҳадис илмига доир қимматли маълумотларни келтиради. Ўқувчига “Саҳиҳ”ни жамлашда ўзи қўйган шартларни ва унинг асосларини таништиради, ровийларнинг

мартабаларини, ривоятга тегишли қоидалар ва бошқа маълумотларни тақдим қилади (Muslim I., 2020:40-41).

Имом Муслим ҳадис жамлаш даврида унинг нозик жойларига жуда ҳам эътибор берган. Ҳатто бир ҳарф бўлса ҳам ўзгартиришдан сакланган. Ҳадисларни аввалидан охиригача узилиш ва иллатдан саломат, иснодлари ишончли бўлсагина саҳиҳ китобларига киритган. Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»лари Имом Бухорийнинг китобларига қараганда баъзи томонлари афзаллигини ҳам уламолар қайд қилган. Бу ҳақда аллома ўзлари: «Бу муснадга бир нарса киритсам, фақат ҳужжат билан киритдим. Бирор нарса туширсам ҳам, фақат ҳужжат билан туширдим. Саҳиҳ китобим ўзим эшитган уч юз минг ҳадислардан танлаб олинган», деб айтган (Muslim I., 2007:2).

Имом Нававий айтади: «Ернинг устида, осмоннинг остида Муслимнинг китобларидан кўра саҳиҳроқ китоб топилмайди». Имом Муслим айтади: «Агар ҳадис аҳллари 200 йил ҳадис ёзса ҳам кучлари мана шу «саҳиҳ»ни ёзишликка етади, холос».

Уламолар улуғ ҳофиз, буюк муҳаддис имом Муслимнинг “Саҳиҳ” китоби Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”идан кейинги энг саҳиҳ китоб эканига иттифоқ қилган. Баъзи уламолар “Айрим жиҳатлари билан “Саҳиҳ муслим” “Саҳиҳул Бухорий”дан ҳам юқори туради” деган фикрни айтган (Muslim I., 2020:5).

Имом Муслимнинг ҳаёти ҳақида ўзи яшаган давр тарихига доир асарларда, машҳур алломалар ҳаётига бағишланган китобларда барча маълумотлар келган. Шунингдек, “Саҳиҳ Муслим” шарҳларининг муқаддималарида ҳам асарга шарҳ ёзган олимлар томонидан муаллиф ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Кейинги даврларда имом Муслимнинг ҳаётига бағишланган махсус асарлар ҳам ёзилди. Жумладан, Исломи тарихида ўтган улуғ зотларнинг таржимаи ҳолларига доир силсила чоп этилди. Шайх мансур Ҳасан Маҳмуд Салмоннинг бу силсила таркибига кирувчи “Имом Муслим ибн Ҳажжож” номли китоби бу борадаги энг яхши тадқиқотлардан бири ҳисобланади (Muslim I., 2020:5).

НАТИЖА

Тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики, ижтимоий ҳимоя мавзусига доир ҳадислар асарининг асосан 2 жузи 12 бўлими “Закот” китобида келтирилган. Ушбу қисм 56 боб, 2135 дан 2366 гача бўлган жами 231 та ҳадисларни ўз ичига олади. Улар қуйидаги молиявий мавзуларни ўз ичига олади:

закот, ушр, фитр, садақа, нафақа каби мавзуларни аҳамияти, унга тарғиб қилиш, фойдалари, улар бажарилмаслигининг оқибатлари ҳамда зарарлари ҳақида сўз юритилган.

Қуйида ана шу боблар мавзулари келтирилади.

Закот китобида келган ижтимоий ҳимояга оид боблар:

1	1-боб	Ушр ва ушрнинг ярми бериладиган нарсалар ҳақида
2	3-боб	Закотни олдиндан бериш ва уни бермаслик ҳақида
3	4-боб	Мусулмонларнинг зиммасидагифитр закотининг хурмо ва арпадан берилиши ҳақида
4	6-боб	Закот бермагanning гуноҳи ҳақида
5	7-боб	Закот йиғувчиларни рози қилиш ҳақида
6	9-боб	Садақага тарғиб
7	11-боб	Инфоққа тарғиб, инфоқ қилганга эвазининг хушхабари берилгани ҳақида
8	12-боб	Аҳли аёл ва мамлукларга нафақа қилишнинг фазли, уларни зое қилган ёки уларга нафақа қилмаган кишининг гуноҳи ҳақида
9	13-боб	Нафакани ўзидан бошлаш. Кейин аҳлига, сўнг қариндошларга экани ҳақида
10	14-боб	Қариндошларга, завжасига, болаларга ва мушрик бўлса ҳам ота-онага инфоқ қилишнинг фазли ҳақида
11	15-боб	Садақанинг савоби маййитга етиши ҳақида
12	16-боб	“Садақа” деган ном маъруф ишларнинг барча турига тўғри келавериши баёнида
13	17-боб	Инфоқ қилувчи ва мумсик ҳақида
14	18-боб	Садақани қабул қиладиган одам топилмай қолмасидан олдин беришга тарғиб
15	19-боб	Ҳалол-пок касбдан топилган садақанинггина қабул қилиниши ва унинг ўстирилиши ҳақида
16	20-боб	Яримта хурмо ёки биргина ширин сўз билан бўлса ҳам садақа қилишга қизиқтириш ва бунинг дўзахдан парда экани ҳақида
17	22-боб	Маниҳанинг фазли ҳақида
18	23-боб	Инфоқ қилувчи билан бахилнинг мисоли ҳақида
19	25-боб	Омонатдор ҳазинабоннинг ажри ҳамда эрининг уйдан зиён келтирмаган ҳолда, унинг очик рухсати билан ёки урфга кўра садақа қилган аёлниң ажри ҳақида
20	27-боб	Садақа ва эзгу амалларни жамлаш ҳақида
21	28-боб	Инфоқ қилишга қизиқтириш ва уни санаб боришнинг макруҳлиги ҳақида
22	29-боб	Озгина нарсани бўлса ҳам садақа қилишга қизиқтириш ва арзимас деб, оз нарса (бериш)дан ўзини тортмаслик ҳақида

23	30-боб	Садақани яширибберишнинг фазли ҳақида
24	31-боб	Садақанинг афзали ҳасиснинг соғ пайтидаги садақасидир
25	55-боб	Закотни олиб келган кишининг ҳаққига дуо қилиш ҳақида

МУҲОКАМА

Ислом таълимотида ижтимоий ҳимояга тарғиб этувчи яна бошқа тамойилларда ҳам улар садақалар кўринишида намоён бўлади. Хусусан, 9-боб Садақага тарғиб ҳақида бўлиб, Абу Зарр р.а. дан ривоят қилинади: “Мана шу Уҳуддек олтиним бўлиб, ундан қарз учун олиб қўядиганимдан бошқа бирор динорнинг хузурида уч кун туриб қолишини хоҳламасдим, уни Аллоҳнинг бандалари орасида мана бундай, мана бундай, мана бундай - олд, ўнг, чап томонларига ҳовучладилар - қилиб юборардим”, деди (*Muslim I., 2020:525*). Бу ҳадис инсонларни садақа қилишга рағбатларини янада зиёда қилади ва улар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди.

16 боби эса “Садақа” деган ном маъруф ишларнинг барча турига тўғри келавериши баёнида бўлиб. 2200-ҳадис Хузайфа р.а.дан ривоят қилинади: “Набий с.а.в. “Ҳар бир маъруф иш садақадир” дедилар”. 2202-ҳадисда Оиша р.а. айтади: “Расулulloҳ с.а.в. “Ҳар бир одам боласи уч юз олтмиш бўғим билан яратилган. Ким Аллоҳга такбир айтса, Аллоҳга ҳамд айтса, Аллоҳга таҳлил айтса, Аллоҳга тасбиҳ айтса ва Аллоҳга истиғфор айтса, одамларнинг йўлидан тош ёки тиконни олиб ташласа ёки одамларнинг йўлидан бирор суякни олиб ташласа, маъруфга буюрса ё бир мункардан қайтарса, ўша уч юз олтмиш бўғимнинг ададича (садақа)қилган бўлади ва ўша кунни ўзини дўзахдан нари қилган юради”. 2205-ҳадисда эса Саъид ибн Абу бурда отасидан, у бобоси р.а.дан ривоят қилади: “Набий с.а.в. “Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида садақа бор”, дедилар. “Агар топа олмаса-чи?” дейишди. У зот: “Қўли билан меҳнат қилади, шунда ўзига ҳам фойда келтиради, садақа ҳам қилади”, дедилар. “Агар буни уддалаай олмаса-чи?” дейишган эди, у зот “Маъруфга (ёки яхшиликка) буюради”, дедилар”. “Буни ҳам уддалай олмаса-чи?” дейишган эди, у зот: “Ёмонликдан тийилади, чунки бу ҳам садақадир”, дедилар (*Muslim I., 2020:542*). Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: Ҳар бир яхшилик садақадир”, - дедилар”. Абдуллоҳ ибн Язид ал-Хотомийдан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ҳар бир маъруф садақадир” (*Buxoriy I., 2003:59,61*). Абдуллоҳ ибн Язид ал-Хотомийдан

ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ҳар бир маъруф садақадир”. Бу ҳадисдан шу аён бўладики, ҳар бир яхши, ширин, фойдали сўзни айтиш ҳам садақа ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инсонлар учун ижтимоий ҳимоя нафақат моддий ёрдам, балки маънавий кўмак ҳар бирдай лозим. Буни биз қушнинг икки қанотиға ўхшатишимиз мумкин. Зеро инсонларнинг ўзаро гўзал муносабатлари уларнинг ҳаётини барқарор қилади.

ТАҲЛИЛ

Шунингдек, ижтимоий ҳимояни асосларидан ҳисобланган инфоққа ҳам катта тарғиб қилинган ҳадислар ҳам келтирилган. “Ҳидоя”да: “нафақа - ҳаётни таъминлаш учун зарур бўладиган барча нарсалар: озиқ-овқат, кийим ва турар жойни англатади. Лекин кўпчилик бу сўзни озиқ-овқат маъносида қўллашади” дейилган. Шунингдек, нафақа сўзи луғатда “яхшиликка маблағ чиқариш” маъносини англатади. Шариатда эса, ўз қарамоғидаги шахсни етарли кийим, таом ва маскан билан таъминлашдир (*Muhammad Yusuf M., 2008:516*).

Нафақа сўзи яна «сарфлаш» маъносида ишлатилиб, ислом ҳуқуқида кишининг хотини, болалари, ота-онасини моддий эҳтиёжлар – озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаши тушунилади (*Yusupova N., 2006:118*).

“Саҳиҳи Муслим” китобининг 11-боби инфоққа тарғиб, уни қилганга эъззининг хушхабари берилгани ҳақида бўлиб, Абу Ҳурайра р.а. дан ривоят қилинади: “Набий с.а.в.: “Аллоҳ таборака ва таоло: “Эй одам боласи, инфоқ қил, Мен ҳам сенга инфоқ қиламан”, деган. Аллоҳнинг ўнг қўли тўладир, тинмай тўкиб-сочиб турувчидир. Кеча-ю кундуз ҳеч нарса уни камайтира олмас”. Мана шу қудсий ҳадис нафақанинг нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

12-боб эса, Аҳли аёл ва мамлукларга нафақа қилишнинг фазли, уларни зое қилган ёки уларга нафақа қилмаган кишининг гуноҳи ҳақида бўлиб, Савбон р.а.дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ с.а.в. “Киши инфоқ қиладиган энг афзал динор - унинг ўз оиласига инфоқ қилган динори, Аллоҳ йўлида улови учун инфоқ қилган динори ва Аллоҳ йўлидаги ҳамроҳларига инфоқ қилган диноридир”, дедилар”. Қиз бола отасининг қўлида воёга етиб, турмушга чиқгач умр йўлдошининг қарамоғига ўтади ва унинг таъминоти бўйнига юкланади. Эрга аёлининг нафақаси вожиб ҳисобланади. Нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, гўзал муносабатда бўлиш

лозимлиги буюрилган. Шу билан бирга бу амалларга катта ажрлар берилиши оят ва ҳадисларда алоҳида таъкидланган.

25-бобда эса “Омонатдор хазинабоннинг ажри ҳамда эрининг уйдан зиён келтирмаган ҳолда, унинг очиқ рухсати билан ёки очиқ урфга кўра садақа қилган аёлнинг ажри ҳақида” бўлиб, унда аёлларнинг инфоқ қилиши мумкинлиги ҳақида айтилади. Хусусан, 2236 ҳадисда Оиша р.а.дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ с.а.в. шундай дедилар: “Аёл киши уйдаги егуликдан зиён келтирмаган ҳолда инфоқ қилса, унга инфоқ қилгани учун ўз ажри бор, эрига касб қилган учун ўз ажри бор, хазинабонга ҳам ўшанча. Улар бир-бирининг ажрини камайтирмайди”.

Ислом шариати ҳар бир амалнинг ўзига хос тартиб-қоидаларини жумладан, садақалар борасида белгилаб қўйган. Яъни зиммасида фарз ёки вожиб садақа бўлган инсон уларни нимадан, қанча, қачон, қай тарзда адо қилиши лозимлигини, унинг тартибини аниқ қилиб белгилаб берилган. Шунга кўра кимнинг зиммасида муайян садақа вожиб бўлса, уни шариат кўрсатмасига кўра адо қилиши лозим бўлади (*Islom odoblari ensiklopediyasi., 2019:275*).

Ижтимоий ҳимояга тарғиб этувчи ва унинг инсонлар учун нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатувчи ҳадислардан бири 2183 ҳадисда шундай дейилади: Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ с.а.в. шундай дедилар: “Бир динорни Аллоҳ йўлида сарфласанг, бир динорни кул озод қилишга сарфласанг, яна бир динорни мискинга садақа қилсанг, яна бир динорни аҳлингга сарфласанг, ажри улуғроғи аҳлингга сарфлаганинг бўлади”.

Имом Муслим ривоят қилган яна бир ҳадисда шундай дейилади: Пайғамбар а.с. “Аллоҳ юзингизга ёки бойлигингизга қарамайди, аксинча, У сизнинг юрак ва қилган ишларга қарайди (*Abba S., 2013:133*). Бу мазмундаги ҳадис яна бир бошқа ҳадисда қуйидагича келтирилади: Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): «Худо қилмайди ташқи кўринишингизга ва мол-мулкингизга қарамайди. У фақат сизнинг юрагингизга қарайди ва сизнинг амалларингизга қарайди. Ирк, жинс, мулк ёки мол-мулкка асосланган устунлик йўқ. Одамлар яхши ишларга учун бағишланиш учун яратилган ва ҳар хил шароитда, бўлиб, бунга жавобгар бўладилар” (*Erol A., 2018:69*). Бу ҳадисда шуни билишимиз мумкинки, инсонлар келиб чиқиши, бойлиги ёки фақирлиги жиҳатдан Яратган олдида тенг бўлиб, қалби ва қилаётган амалларига кўра қараши айтилган.

Пайғамбар с.а.в. ҳадисларда келадики, бутун жамиятга ёки шахсни ўзи билан боғлиқ

бўлган қуйидаги ҳолатлар: қўркув, хавотир, каби ҳолатларда Аллоҳга таваккал қилиб шу нарсалардан ҳимояланиш учун дуо қилганлар. Шунингдек, талофатлар етишидан, ҳаётдаги ёмонликлардан, муҳтожликдан, очликдан, ҳар хил касалликлардан, заифликдан, азобдан ва зулмдан, бойлик ва ҳасис бойликдан ва камбағалликдан дуо қилиб паноҳ тилаганлар (*Sahihu Muslim., 1981:60; Es-Sicistani E., 1982:98; Tirmizi I., 1975: 61*).

Эътибор қилиниши керак бўлган жиҳатлардан бири шундаки, қилинадиган эҳсонларнинг барчаси ҳалол йўл билан топилиши шарт қилинади. Бу эса қуйидаги ҳадисда келтирилади: тўпламнинг 19-боби эса, “Ҳалол-пок касбдан топилган садақнинггина қабул қилиниши ва унинг ўстирилиши ҳақида” бўлиб, 2214-ҳадис Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ с.а.в. шундай дедилар: “Бирор киши ҳалол-пок нарсадан садақа қилса, зотан, Аллоҳ фақат ҳалол-пок нарсанигина қабул қилади - Раҳмон уни ўнги билан олади, агар у бир дона бўлса ҳам. Кейин у Раҳмоннинг кафтида худди бирингиз тойчоғини ёки бўталоғини ўстирганидек ўсади, ҳатто тоғдан ҳам катта бўлиб кетади” (*Muslim I., 2020:547*).

Имом Муслим Саҳиҳида садақага жуда кенг тарғиботни кўриш мумкин яъни набавий ҳадислари мусулмонларни садақа қилишга чақиради ва унга бўлган рағбатни шу қадар оширади-ки, ҳатто 20-бобда “Яримта хурмо ёки биргина ширин сўз билан бўлса ҳам садақа қилишга қизиқтириш ва бунинг дўзахдан парда экани ҳақида” келтирилган. 2219-ҳадисда Адий ибн Хотим р.а.дан ривоят қилинади: “Набий с.а.в.нинг “Сизлардан ким яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан ўзини тўса олса, шунини қилсин”.

Имом Муслимдан шу мавзуда қуйидаги ҳадис ривоят қилинади: Абу саъд Худрий р.а. ривоят қилади: “Кимнинг ортиқча туяси бўлса, туяси йўқларга ёрдам қилсин. Кимнинг ортиқча озиқ-овқати бўлса, озиқ-овқати йўққа ёрдам қилсин” (*Islom Y., 2019:137*). Муҳаддис яна бир ҳадисни ривоят қилади: Жобир р.а. дан ривоят қилинади: “Набий с.а.в. бир кишига: “Ўзингдан бошла, ўзингга садақа қил. Агар бирор нарса ортиб қолса, ўз аҳлингга (садақа) қил. Агар аҳлингдан ҳам бирор нарса ортиб қолса, қариндошларингга (садақа) қил. Агар қариндошларингдан ҳам бирор нарса ортиб қолса, бундай қил (олдингдаги, ўнг чап ёнингдаги бошқа кишиларга садақа қил)”, дедилар (*Islom odoblari ensiklopediyasi., 2019:279*). Ушбу ҳадисда садақа қилишнинг тартиби, босқичлари аниқ қилиб баён этилган. Шунга мувофиқ бу амални бажаришлик уни янада гўзал ҳолатда, ўз ўрнида қилинишини таъминлайди.

Асарнинг 22-бобида инсонлар ўртасидаги муносабатларни янада гўзал бўлишига хизмат қилувчи воситалардан бири бўлган “Маниҳанинг (ҳосилидан фойдаланиш учун вақтинча берилган боғ-роғ, соғиб ичиб туриладиган туя, қўй ва шу кабилар) фазли ҳақида” бўлиб, 2230-ҳадис Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинади: “Набий с.а.в. (баъзи нарсалардан) қайтара туриб, бир неча хислатни зикр қилдилар ва “Ким маниҳа берса, эрталаб ҳам садақа бўлади, кечқурун ҳам садақа бўлади- эрталабкиси ҳам, кечқурунгиси ҳам”, дедилар”.

Шунингдек, асарда садақа эгаси ким экани ва ҳақиқий мискиннинг белгилари ҳақида ҳам жуда муҳим ҳадис келтирилган. Тўпламнинг 34-бобида “Мискин эҳтиёжини қондира олмайдиган, аммо аҳволи сезилмагани учун садақа қилинмайдиган кишидир” номи билан келган. Бу 2265-ҳадис бўлиб, Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ с.а.в. “Одамлар орасида айланиб юрадиган, бир-икки лўқма, бир-иккита хурмо билан қаноатланадиган киши ҳақиқий мискин эмас, дедилар. “Унда ким мискин, эй Аллоҳнинг Расули?” дейишди. У Зот “Эҳтиёжини ўзи қондира олмайдиган, (ҳожатмандлиги) сезилмаганидан садақа ҳам қилинмайдиган, ўзи ҳам одамлардан ҳеч нарса сўрамайдиган киши” (*Muslim I., 2020:573*).

ХУЛОСА

Бугунги кунда ҳам ҳар бир даврдаги каби мусулмон жамиятлари ривожини инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосига қурилган бўлади. Зеро инсонларнинг ўзаро бирдамлик алоқалари жамият бирлиги ва осойишталигига, тараққий этишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада ижтимоий ҳимоя масалаларини фикрий жиҳатдан ўрганиш долзарб ҳисобланади. Хусусан, Имом Муслимнинг “Саҳиҳи Муслим” тўплами ижтимоий ҳимоя масалаларини ўрганиш, унга оид муаммоларни ечимини топишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ёшларни ҳар томонлама етук ва маърифатли қилиб тарбиялашда, жамиятда инсонлар билан бўладиган барча ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ислоҳ қилишда дастуруламал қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш нафақат давлат ва нодавлат ташкилотларининг, балки ҳар бир кишининг инсоний бурчи ва вазифасидир. Шунинг учун ҳам бу каби эзгу ва хайрли ишларни амалга оширишда барчамиз бир бўлиб, ҳамкорликда фаолият юритишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

REFERENCES:

1. Abba S, Aliy U. Islamic social security, Book of Readings in Islamic Economics. 2013.
2. Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. Мовароуннахр. –Т.: 2013. –Б 59, 61.
3. Boynukalın, “Makasıdu’ş-Şeria”, IED, XXVII.
4. Es-Sicistani E, *es- Sunen*, Çağrı Publications, İstanbul, “Edeb”, 1986. –S 98;
5. Erol A. Social protection in Islamic law. Theoretical perspectiva. Peterleng. 2018. –B 29, 69.
6. Gunay M, “Muhammed Tahir b. Aşur’un Makasıd Anlayışı”, Yaman A, Intentions and Judicial Opinion, Philosophy of Islamic Law Araştırmaları, İFAV, 3rd Edition, İstanbul 2017, p. 425; Ertuğrul Boynukalın, “Makasıdu’ş-Şeria”, Islamic Encyclopedia of Diyanet, XXVII, 2003.
7. İbn Aşur, Muhammed Tahir, Maksudi’ş-Şeriatı’l-İslamiyye, Daru’n-Nefaes, Umman (Publication date not available).
8. İbn Aşur, Muhammed Tahir, Philosophy of Islamic Law, The Problem of Intent, Translators: Mehmet Erdoğan, Vecdi Akyuz, Rağbet Publications, İstanbul 2013-S 225.
9. Imam Muslim, Sahihu Muslim, “Zikr”, *el-Cemiu’s-Sahih*, Çağrı Publications, İstanbul, 1981 –S 60;
10. Imom Muslim. Sahih Muslim birinchi kitob. www.ziyo.com. 2007. –B 2.
11. Ислом Ё. Исломда бойлик ва камбағалликка муносабат. Қақнус-медиа. –Т.: 2019. –Б 137.
12. Ислом одоблари энциклопедияси. I китоб. Ҳилол-нашр –Т.: 2019. –Б 275, 279.
13. Мухаммад Юсуф М. Кифоя II китоб. – Т.: Шарқ. 2008. –Б 516.
14. Олтин Силсила. Саҳиҳи Муслим. 2 жуз. “Ҳилол-нашр”, –Т. 2020. –Б 5, 40-41, 525, 547, 573.
15. Tirmizi, *el-Camıu’s-Sahih*, Sunenu’t-Tirmizi, Egypt, “Da’avat”, 1975. –S 61.
16. Şatibi, *el-Muvefaket fo Usul’ş-Şeria*, Daru İbn Affan, Saudi Arabia 1997, II/20, 32;
17. Yaman A, “On the Principles of Purposeful Judicial Opinion or Intent/ Theological Interpretation Administration in Terms of Islamic Legal Science”, Intent and Judicial Opinion, Philosophy of Islamic Law Araştırmaları, İFAV, 3rd Edition, İstanbul 2017. –S 161-196.
18. Yıldırım A, “An Overview of the Makasıdu’sh-Sharia in Islamic Law Literature”, Maslahat in Islamic Sciences, Editor: A.Erol, Gece Kitaplığı Publishing House, Ankara 2017. –S 149-171, 165-169.
19. Юсупова Н. Ислом ҳуқуқида оила ва жамият барқарорлигини таъминлашда ижтимоий ҳимоянинг моҳияти. Ижтимоий фикр. 2020. № 4. –Б 71, 74.
20. Юсупова Н.Ж. Исломда аёл ҳуқуқлари. –Т.: Академия. 2006. –Б 118.
21. www.muslim.uz

1. Abba S, Aliy U. Islamic social security, Book of Readings in Islamic Economics. 2013. –S 133.
2. Buhoriy. Al-adab al-mufrad. Movarounnahr. –Т.: 2013. –B 59, 61.
3. Boynukalın, “Makasıdu’ş-Şeria”, IED, XXVII;
4. Es-Sicistani E, *es- Sunen*, Çağrı Publications, İstanbul 1982, “Edeb”, 98;
5. Erol A. Social protection in Islamic law. Theoretical perspectiva. Peterleng. 2018. –B 29, 69.
6. Gunay M, “Muhammed Tahir b. Aşur’un Makasıd Anlayışı”, Yaman A, Intentions and Judicial Opinion, Philosophy of Islamic Law Araştırmaları, İFAV, 3rd Edition, İstanbul 2017, p. 425; Ertuğrul Boynukalın, “Makasıdu’ş-Şeria”, Islamic Encyclopedia of Diyanet, XXVII, 2003.
7. İbn Aşur, Muhammed Tahir, Maksudi’ş-Şeriatı’l-İslamiyye, Daru’n-Nefaes, Umman (Publication date not available);
8. İbn Aşur, Muhammed Tahir, Philosophy of Islamic Law, The Problem of Intent, Translators: Mehmet Erdoğan, Vecdi Akyuz, Rağbet Publications, İstanbul 2013;
9. Imam Muslim, Sahihu Muslim, “Zikr”, *el-Cemiu’s-Sahih*, Çağrı Publications, İstanbul 1981, 60;
10. Imom Muslim. Sahih Muslim birinchi kitob. www.ziyo.com. 2007. –B 2.
11. Islom odoblari ensiklopediyasi. I kitob. Hilol-nashr. –Т.: 2019. –Б 275, 279.
12. Islom Y. Islomda boylik va kambag‘allikka munosabat. Qaqnus-media. –Т.: 2019. –Б 160.
13. Muhammad Yusuf M. Kifoya II kitob. – Т.: Sharq. 2008. –Б 516.
14. Oltin silsila. Sahihi Muslim. 2 juz. “Hilol-nashr”, –Т. 2020. –Б 5, 40-41, 525, 542, 573.
15. Tirmizi, *el-Camıu’s-Sahih*, Sunenu’t-Tirmizi, Egypt 1975, “Da’avat”, 61.
16. Şatibi, *el-Muvefaket fo Usul’ş-Şeria*, Daru İbn Affan, Saudi Arabia 1997, II/20, 32;
17. Yaman A, “On the Principles of Purposeful Judicial Opinion or Intent/ Theological Interpretation Administration in Terms of Islamic Legal Science”, Intent and Judicial Opinion, Philosophy of Islamic Law Araştırmaları, İFAV, 3rd Edition, İstanbul 2017;
18. Yıldırım A, “An Overview of the Makasıdu’sh-Sharia in Islamic Law Literature”, Maslahat in Islamic Sciences, Editor: A.Erol, Gece Kitaplığı Publishing House, Ankara 2017;
19. Yusupova N. Islom huquqida oila va jamiyat barqarorligini ta‘minlashda ijtimoiy himoyaning mohiyati. Ijtimoiy fikr. 2020. № 4. –Б 71, 74.
20. Yusupova N. Islomda ayol huquqlari. –Т.: Akademiya. 2006. –Б 118.
21. www.muslim.uz